

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ» ФАКУЛТЕТИ

«МЕНЕЖМЕНТ ВА СТАТИСТИКА» КАФЕДРАСИ

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ»

**«Менежмент ва статистика»
кафедраси мудири**

_____ проф. М.Қ.Пардаев
Баённома № 11, 2012 йил 12 июн

**5810700-«Туризм менежменти» таълим йўналиши ТМН-108
гуруҳ талабаси Адхамов Заррухнинг Туризмни бошқаришнинг
худудий тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш
(Самарқанд шаҳридаги “Sogda-Tour” МЧЖ мисолида)
мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Илмий раҳбар:

Доц. И.А.Усманов

САМАРҚАНД – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I - Боб. Туристик соҳасини бошқаришнинг назарий асослари.....	6
1.1. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожланиши ва ҳозирги ҳолати.....	6
1.2. Ўзбекистонда туристик соҳани бошқариш тизимининг хусусиятлари.	13
1.3. Худудий менежментнинг мазмуни, мақсадлари ва вазифалари.....	19
II-Боб. Самарқанд шаҳрида туризм соҳасини бошқаришнинг ҳолати ва муаммолар.....	23
2.1. Самарқанд шаҳридаги туристик ташкилотларнинг умумий тавсифи.....	23
2.2. ««СОГДА ТУР» туристик компаниясининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.....	30
2.3. Самарқанд шаҳридаги туристик ташкилотларнинг стратегик ҳолатини таҳлил қилиш.....	36
III-Боб. Туризм соҳасида худудий бошқаришни такомиллаштириш йўллари.....	40
3.1. Самарқанд туристик маконида туризмни бошқариш тузилмаларини такомиллаштириш.....	40
3.2. Туризм соҳасида бошқарувни ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни.....	47
3.3. Туризм соҳасида худудий бошқарув функцияларини такомиллаштириш.....	51
IV-Боб. Туристик ташкилотларда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш чоралари.....	55
4.1. «Согда тур» МЧЖсида меҳнат хавфсизлик тадбирларини яратиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги.....	55
4.2. «Согда тур» МЧЖ да ёнғин хавфсизлиги ва уни бартараф қилиш чора-тадбирларининг таҳлили.....	58
Хулосалар ва таклифлар.....	63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66

КИРИШ

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси мустақил тармоқ сифатида ривожланиб бормоқда. Соҳанинг умумий ривожланиши учун вазирлик мақомига тенглаштирилган “Ўзбектуризм” миллий компанияси масъул бўлиб, у ўзбек миллий туристик корхоналарининг фаолият юритишларини рухсатномалар бериш, хизматларини сертификатлаш каби лар орқали назорат этади. Ўз навбатида, ўзбек миллий хусусий туристик корхоналари ҳам кўпроқ сифатли ва бозор томонидан талаб этилаётган турмахсулот яратишга, ҳамда сотувларни орттириш орқали ривожланишга ҳаракат қилишмоқда.

Бугунги кунда республикада туристик фаолият билан 400 дан, ортик корхона лицензия асосида шуғулланмоқда, мамлакатимизда туризм соҳасидаги тадбиркорлик давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб қувватланмоқда. Фикримизнинг далили сифатида туризм индустриясида хорижий сармоядорларга берилаётган имкониятларни келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида хорижий сармоядорларга берилаётган имкониятлар тўлиқ ёритилган. Туризм соҳасидаги давлат аҳамиятига эга бўлган бир қатор сармоядорлар ҳукумат томонидан кафолатланган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, шаҳарларида янги ташкил этилган туристик ташкилотлар 3 йилдан кўп бўлмаган вақтда дастлабки фойдани олгунларигача барча солиқлардан озод қилинадилар. Бундан ташқари, туризм бизнесини рағбатлантириш мақсадида янги туризм объектларини ташкил этишда камайтирилган фоизларда кредит бериш жорий этилган.

Мамлакат хазинасига туризмдан тушган валюта ҳажми ва янги иш ўринларини ташкил топиши турли қўшимча хизматларнинг кенгайиши билан боғлиқ. Агар асосий хизматлар ўз ичига туристларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт хизматларини ҳам олса, қўшимча хизматлар туристик хизмат самарадорлигини янада оширишга қаратилган бўларди.

Жумладан, сувенир савдо шахобчаларини, миллий санъат буюмларини сотишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий туристларни жалб қилишни кенгайтириш учун виза билан боғлиқ талабларни енгиллаштириш зарур. Ўзбекистондаги туристик маҳсулотларга хорижий туристларни жалб этишнинг осон ва енгил йўллари излаб топиш, меҳмонхоналарда яхши шароитлар яратиш зарур. Улардаги хизмат сифатини яхшилаш, халқаро андозаларга мослаштириш лозим.

Мамлакатимизда хорижий туристларнинг меҳмон бўлиб турадиган кунларининг кўпайиши валюта тушиш имкониятларининг янада кенгайишига сабаб бўлади.

Хорижий туристлар сонини кўпайтириш учун Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини жаҳоннинг барча чеккаларидаги истеъмолчиларига маркетинг фаолиятларини қўллаб ахборот етказиш зарур.

Барча тармоқлар қатори туризм соҳаси ҳам профессионал кадрларга жуда муҳтож. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш моделини тезроқ шакллантиришда юқори малакали кадрлар ўрни катта. Халқаро андозаларга мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш бу тармоқ ривожланишига ижобий таъсир этади.

Шунга асосан битирув малакавий ишимизнинг мақсади – бу Самарқанд туристик минтақасида туристик соҳани худудий бошқаришнинг тизимини такомиллаштиришдир.

- Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожланиши ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш;

- Ўзбекистонда туристик соҳани бошқариш тизимининг хусусиятларини аниқлаш;

- Худудий менежментнинг мазмуни, мақсадлари ва вазифаларини кўриб чиқиш;

- Самарқанд шаҳрида туризм соҳасини бошқаришнинг ҳолатини урганиш

- Туризм соҳасида худудий бошқаришни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иш кириш, тўрта боб ва хулосалардан иборат бўлиб 68 бет кўлёзма матни, 9 та жадвал ва 11 та расмларидан таркиб топган.

Биринчи бобда «Туристтик соҳасини бошқаришнинг назарий асослари», худудий бошқарувнинг функциялари ва вазифалари куриб чиқилган, туризм соҳасида бошқарувнинг хусусиятлари, унинг ташкилий тузилмаси ва вазифалари тадқиқот қилинган.

Иккинчи бобда «Самарқанд шаҳрида туризм соҳасини бошқаришнинг ҳолати ва муаммолари», амалий маълумотлар асосида Самарқанд шаҳридаги туристик ташкилотларда бошқарув ташкил этилганлиги ўрганилган. Улардан бири яъни, «СОГДА тур» туристик компаниянинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган, худудий бошқарувдаги муаммолар аниқланган.

Учинчи бобда «Самарқанд туристик маконида туризмни бошқариш тузилмаларини такомиллаштириш» худудий бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, Самарқанд шаҳрида туризмни бошқариш функцияларини такомиллаштириш, ва бошқа таклифлар келтирилган.

Тўртинчи бобда «Туристтик ташкилотларда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш чоралари» меҳнат хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги масалалари кўриб чиқилган

Хулоса қисмида ишнинг натижалар асосида келинган асосий хулосалар ва туклифлар жой олган.

И-БОБ. ТУРИСТИК СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожланиши ва ҳозирги ҳолати.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Таркибий янгилаштиришдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади”^{*}.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда, шунингдек Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётнинг туризм соҳасига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Инсонлар бўш вақтларини самарали ўтказиб, дам олишга, соғлигини тиклашга, дунёни, халқларнинг урф – одатлари, қадриятларини билишга интиломоқдалар. Бундай хизматларни туризм соҳаси кўрсатади. Айрим мамлакатларда туризм соҳаси жуда ҳам барқарор ривожланиб бормоқда ва уларнинг ҳар йиллик ўсиш суръати 8-10% гача боради. Бу эса туризм соҳасининг қанчалик даражада мамлакатлар иқтисодиёти тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонунидаги айрим моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, қонуннинг 3-моддасида туристик хизматлар тушунчаси қуйидагича таърифланади: "Туристик хизматлар - туристик фаолият

^{*} Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.:Ўзбекистон, 2012 йил, 24-бет.

субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар"дир.

Туристлик хизматлар - турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характерига ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристик хизматлар - сайёҳларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланувчи туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Шунинг учун ҳам туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади.

Туристлик хизматларнинг 2010 йилдаги ўсиш суърати 112,7 фоизни, кўрсатилган хизматлар ҳажми эса, 46,8 миллиард сўмни ташкил этди. Таҳлил этилаётган даврда туристлар оқими 937,1 минг кишини ёки режага нисбатан 100,4 фоизни ташкил этди. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси инвентари ва маҳсус меҳмонхона жихозларини ва туристларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 15 дона транспорт воситаси сотиб олди, 2010 йилга эса 20 та транспорт воситаси олиш режалаштирилган эди.

2011 йил туристик хизматлар 127,3 фоизга ўсди ва бу 64,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Туристлик хизматларнинг ўсиши туристларнинг оқими ҳисобидан таъминланмоқда ва ушбу соҳада 2011 йил 1 миллион кишига хизмат кўрсатилди. “Бухоро” (Бухоро ш.) янги меҳмонхонасида туристларга хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошди ва унинг ўсиш даражаси қарийб 2 баробар кўпайди.

Ҳар бир турнинг хизматлар доираси турлича бўлиб, дастур билан белгиланади ва ҳар бир хизматнинг ўз ичига кирувчи яна бошқа жуда кўп элементлари бўлади.

Агар туризмни кўриб чиқадиган бўлсак, умумий тамойилларга кўра, ҳар бир туристик пакетда энг камида иккита хизмат тури бўлади, булар: ташиш ва жойлаштириш хизматлари пакетидир. Булар асосий туристик хизматлар дейилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, кўшимча туристик хизматлар ҳам бўлиб, уларнинг сони 400 дан ортиқдир. Юқорида айтиб ўтилган иккита (асосий) хизмат туридан ташқари қолган барча хизматлар кўшимча туристик хизматлардир. Ҳатто, овқатлантириш ва экскурсия хизматлари ҳам. Туристнинг хоҳишига кўра, ташкилотчи томонидан хизматлар кенгайтирилиши мумкин, ёки бу нарса ташкилотчилар томонидан туристнинг танловига кўра белгиланади. Иккинчиси маъқулроқ, чунки, умумий нархлар рақобатнинг тамойил ва қадриятларига кўра, минимал даражага тушмоқда. Бу эса авваламбор хизматлар пакетининг ҳам минималлашишига олиб келмоқда. Шу аснода ҳар қандай миллатга мансуб турист ҳам аввало нархларга эътибор беришини ҳисобга олиш зарур. Халқаро статистикага кўра, туристлар борган жойларда ҳафтасига 600 АҚШ долларигача пул сарфлайди.

Ўзбекистон катта туристик салоҳиятга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари, БМТ қошидаги ЮНЕСКОнинг бутун дунё тарихий ва маданий мероси рўйхатига киритилган. Мамлакатимизда фақатгина тарихий, маданий, меъёрий, археологик аҳамиятга эга бўлган туристларни жалб қилиш мумкин бўлган объектлар сони 7,0 мингдан зиёдни ташкил қилади. Улардан 545 таси меъморий, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат, 5500 таси археологик обидалардир. Улардан туристик объект сифатида қамраб олингани атиги 140 та. Бу кўрсаткич бор-йўғи 2,0 фоизни ташкил қилади, холос. Қолган туристик объектлар, қимматли обидалар ҳақида реклама ҳам, аниқ маълумотлар ҳам етарли эмас. Демак, кўриниб турибдики, ҳали бу борада анча ишларни амалга ошириш лозимга ўхшайди. Бунда тарихчи, археолог, қадимшунос каби олимларнинг ҳам хизматлари етарли бўлиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпгина мамлакатларда реставрация (қайта тиклаш) жараёни ҳам туристик объект сифатида фойдаланилади.

Бунда ушбу объектнинг асл ҳоли лойиҳаси, бугунги аҳволи, қайта тиклаш жараёни ва қандай бўлиш кераклиги кўрсатилади. Албатта бу ҳолатлар тарихий объектлар учун муҳим ҳисобланади. Бу эса туристларни ўзларига жалб қилиши табиий.

Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти катта эканлиги билан бирга, уларнинг айрим шаҳарлари ўта диққатга сазовордир. Масалан, туристларнинг кўриши мумкин бўлган объектлар сони бўйича Хива шаҳари биринчи ўринда туради. Унда 310 та объект, иккинчи ўринда Бухоро шаҳри бўлиб, унда 221 та объект, Тошкент шаҳарида 144 та ва Самарқандда 118 та объект мавжуд.

Ушбу мавжуд туристик объектлардан ташқари яна бир қанча объектларни барпо қилиш мумкин. Биргина Самарқанд вилоятини оладиган бўлсак, унинг Ургут, Омон-қўтон, Оҳалик, Миронкул каби манзарали тоғ-даралари борки, бу жойларга пиёда маршрутларни ташкил қилиш мумкин.

1- жадвал
2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича туристик
экскурсион хизматларнинг ривожланиш ҳолати (солиштирма нархларда)
Ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Минтақала р номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши									
		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да
	Ўз. Рес.	119,3	122,3	121,3	126,3	123,4	130,4	127,5	110,6	117,7	127,3
	<i>Шу жумладан:</i>										
1.	Қорақ.Рес.	109,1	129,3	110,5	167,1	111,3	126,7	113,5	125	105,3	205,6
2.	Андижон вилояти	115,6	483,6	118	138,1	119,5	128,8	120	132	116,5	105,3
3.	Бухоро вилояти	119	118,7	120	127,2	120,2	101,2	128	105	108,0	103,2
4.	Жиззах вилояти	118	218,2	118,5	177,4	120	106,2	122	125	104,0	71,3
5.	Қашқадарё вилояти	118	123,4	119,5	126	124	116,3	130	130	112,0	112,3
6.	Навоий вилояти	122	170,5	123,5	139,1	124	130,7	125	107	105,0	109,0

7.	Наманган вилояти	115	117,7	118	0	122	127,6	125	115	103,0	119,2
8.	Самарқанд вилояти	118	128	122	158,4	125	141,8	129	103	112,0	112,0
9.	Сурхондарё вилояти	116	226,6	116,5	125	118	175,2	120	115	112,0	105,6
10.	Сирдарё вилояти	110	18,3	120	0	130,5	113,1	135	2,6	0	0
11.	Тошкент вилояти	120	127	122	177,4	123,5	191	125	140	108,0	122,3
12.	Фарғона вилояти	118	118,1	119,5	113,2	122	123	123	103	105,0	105,3
13.	Хоразм вилояти	115	126,2	120	200	121,1	105,1	130	105	105,4	112,4
14.	Тошкент шаҳри	121	124,4	122	118,3	123,5	135,3	128	115	120,5	136,7

Туризм соҳаси ва меҳмонхона бизнесининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтимодий равнақидаги роли ҳам беқиёс. Республикамизда йилдан йилга бу соҳада яратилаётган миллий даромад миқдори ошиб бормоқда. Республикамизда 2010 йилда туристик хизматлар ҳажми 23.4 млрд.сўмни, меҳмонхона хизматлари ҳажми 45.1 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда бу хизматлар турларидан олинган даромадлар, мос равишда, 45.9 млрд.сўмни ва 63.8 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва “Ўзбектуризм ” МК томонидан тасдиқланган махсус “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш дастури”да 2012 йил охирига келиб, 2008 йилга нисбатан туристик хизматлар ҳажмини 2.5 баробар, меҳмонхона хизматлар ҳажмини 2.7 баробар ошириш кўзда тутилган (2-жадвал).

Йилдан йилга туризм ва меҳмонхона бизнеси соҳаларида фаолият юритаётган корхоналар сони ҳам ошиб бормоқда. Биргина Самарқанд вилоятида 2011 йилнинг бошида “Ўзбектуризм ” Миллий компаниясининг 2000 ўринга эга 2 та, бошқа вазирлик ва бошқаларга қарашли 211 ўринга эга 2 та, хусусий секторнинг 1000 га яқин ўриган эга 20 тадан ортиқ меҳмонхоналари ҳамда 40 дан ортиқ туристик фирмалари мавжуд.

Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш ҳажми 2010 йилда 87,4 миллиард сўмни ёки 2009 йилга нисбатан ўсиш даражаси 109,0 фоизни ташкил этди. 2011 йилда эса режа бўйича 114 фоиз белгиланган бўлса, амалда 106,5 фоиз кўрсаткичга эришган.

2- жадвал

2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича меҳмонхона хизматларининг ривожланиш ҳолати (солиштирма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши									
		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
	Ўзб. Рес.	120	133,5	122,5	122,5	125,3	112,3	130	118	114,0	106,5
1	Қорақ. Рес.	109,5	210,4	111	113,7	114,8	113,7	120	103	104,5	106,8
2	Андижон вилояти	116,2	119,9	119,5	123,6	122	126,8	125	120	116,0	105,0
3	Бухоро вилояти	119,2	142,8	120,1	125,3	124,2	102,7	130	106	106,5	112,6
4	Жиззах вилояти	118,2	154,2	118,5	132,7	120,5	126,7	122	122,1	108,0	122,0
5	Қашқадарё вилояти	118	121,2	119,8	120,5	124	100,6	130	120	110,0	112,0
6	Навоий вилояти	122	138,4	123,5	121,2	124	125,4	125	116	117,0	115,9
7	Наманган вилояти	115,5	149,5	118,5	220	122,2	165,7	125	130	116,0	126,0
8	Самарқанд вилояти	117,5	133,6	123,6	144	127	127,1	134	100	114,0	120,4
9	Сурхондарё вилояти	116,5	113,5	117,5	104,8	118	110,8	122,5	130	113,0	121,6
10	Сирдарё вилояти	111	104,9	120	124,1	128	128,3	135	65	112,0	109,6
11	Тошкент вилояти	120	128,5	122	161,9	123,5	148,8	125	110	113,0	125,4
12	Фарғона вилояти	118,5	137,9	120	116,2	122	146,6	126	114	116,0	112,5
13	Хоразм вилояти	116	127,4	120,2	168	121,5	100	130	106	111,4	115,4
14	Тошкент шаҳри	122	143,2	124,5	143,2	127,8	110	132,1	122	115,0	100,9

2012 йилда туристик соҳаси олдига чет эллик туристлар билан тузилган шартномалар асосида келувчилар сонини аниқлаб киритиш, мавжуд меҳмонхоналарни кенгайтириш, тарихий ёдгорликларни тиклаш, қурилиши мўлжалланган меҳмонхоналарни аниқлаш, чет элликларни юртимизга жалб этиш бўйича янги туристик йўналишларни жорий қилиш ҳисобидан эришиладиган хизматлар ҳажмини кескин ошириш вазифалари қўйилган. Ушбу вазифаларни бажариш учун жойларда туристик-меҳмонхона бизнесини самарали бошқариш тизими жорий этилиши зарур ҳисобланади.

2012 йил бошига Ўзбекистонда жами 786 туристик корхоналар фаолият кўрсатмоқда, шулардан 487 таси туроператорлик ташкилотлар, 299 таси меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш ташкилотлари. Туризм инфра тузилмасини ривожлантириш мақсадидв ҳукумат барча минтакалар учун “2011 -2012 йилларга туризмни ривожланитириш ва туристике маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора тадбирлар режаси”ни тасдиқлаган. Ушбу Дастурнинг умумий қиймати 385,5 млрд сўмни ташкил қилади.

1.2. Ўзбекистонда туристик сохани бошқариш тизимининг хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейиндаги йилларда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг турларидан бири туризмни ривожлантириш ва эътиборга молик жойларни ҳимояси, туристларга хизмат кўрсатиш ишларини ташкиллаштириш ва назоратини амалга ошириш “Ўзбектуризм ” Миллий Компаниясининг ахамияти юқори бўлмоқда.

Туризм соҳасига оид ишлаб чиқилган илк меъёрий ҳужжат бу – Ўзбекистон республикаси президентининг 1992-йил 27-июлдаги “Ўзбектуризм ” МКни ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20-октябрдаги “Ўзбектуризм ” МК фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳақида” ги қароридир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995-йил 2-июнидаги “Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони туризмнинг яна бир туризмни ривожлантириш борасида поғона кўтарилишдир.

2004-йил 28-июлга келиб “Ўзбектуризм ” фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди.

Бу қарорга асосан “Ўзбектуризм ” миллий компаниясининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:


- ❖ туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш;
- ❖ туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, туристларнинг муҳофаза қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, туристик фаолиятни тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш;

- ❖ туристик хизматларни сертификатлаштириш;
- ❖ туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;
- ❖ туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;
- ❖ туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш.


Кўриниб турибдики Давлат миқёсида туризм соҳасини бошқаришнинг яхлит тизими яратилган ва фаолият кўрсатмоқда.

"Ўзбектуризм " миллий компаниясининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарат ходимларининг чекланган умумий сони 45 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 30 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси ташкил қилади.


"Ўзбектуризм " миллий компанияси ташкилий тузилмаси



**"Ўзбектуризм " миллий компанияси марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Худудий бошқарув масалалари "Ўзбектуризм " миллий компанияси минтақавий бўлимлари Худудий саёҳат ва экскурсия бюрolari орқали амалгша оширилиши кўзда тутилган Компаниянинг минтақавий бўлимнинг намунавий тузилмаси қуйидагича тасдиқланди (3- расм):



Барча минтақавий бўлимлар ходимларининг чекланган, умумий сони - 24 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари - 16 кишини, улардан: Самарқанд минтақавий бўлими - 6 киши, Бухоро минтақавий бўлими - 5 киши, Хоразм минтақавий бўлими - 5 киши иш фаолиятини юритишга рухсат берилди.

2011 йил маълумотларига қарайдиган бўлсак чет эллик туристлар нафақат маиший эҳтиёжларини, балки бошқа хил эҳтиёжларини қондириш учун ташриф буюришган (3-жадвал).

3-жадвал

Мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристларнинг мақсади бўйича тақсимланиши (2011 йил маълумотлари асосида)

	Фуқароларнинг ташрифидан мақсад (киши)					
	Ўзбекистон		Яқин хориж мамлакатлари		Узоқ хориж мамлакатлари	
	сони минг киши	улуши, %	сони минг киши	улуши, %	сони минг киши	улуши, %
Маиший дам олиш	131984	26,93	34766	36,94	156518	60,95
Касбий ва иш-билармонлик	305332	62,30	54668	58,08	94612	36,84
Даволаш ва профилактика	7496	1,53	267	0,28	18	0,01
Бошқалар	45257	9,24	4421	4,70	5648	2,20
Жами	490069	100	94122	100	256796	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳаллий туристлар кўпроқ касбий ва ишбилармонлик мақсадида саёҳатга чиқишади, бу кўрсаткич Республикамизда 62,3 фоизни ташкил қилмоқда, ундан кейинги

Ўринлада маиший дам олиш бўлиб унинг улуши 26,93 фоизни ташкил қилмоқда. Умуман Республикамизга маиший дам олиш учун хорижий туристлар кўпроқ ташриф буюришар экан. Узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми, яъни 60,95 фоизи шу мақсадда мамлакатимизга ташриф буюрган.

1.3. Худудий менежментнинг мазмуни, мақсадлари ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, корхоналар, бирлашмалар, ташкилот, тармоқлар ва минтақалар мураккаб, ўзгарувчан, яхлит ижтимоий иқтисодий тизим бўлиб, унинг ҳар бир бўғини ижтимоий ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмолқ турли жараёнларини амалга оширади, бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти иқтисодий тизимдир, чунки меҳнат ва моддий ресурслар қўшилиши натижасида моддий бойликлар, шу жумладан, миллий даромад яратилади, шукдек, жамият ишлаб чиқариш кучларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилиши жараёни юз беради. Шу билан бирга, республика иқтисодиёти ижтимоий тизим ҳамдир, чунки кишилар томонидан яратилган ташкилотдир. Меҳнат жараёнида кишилар ўзаро ижтимоий муносабатда бир-бирлари билан ўзаро таъсирда бўладилар, ўз фаолиятлари натижаларини айирбошлайдилар. Демак, ижтимоий муносабатлар субъектлари кишилардан, объектлари эса уларнинг турли соҳалардаги турли туман фаолиятларидан (ишлаб чиқариш, фан, маданият, санъат ва х.к.) иборат.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бошқариш тизими иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ахлоқий, рухий ва бошқа муносабатлар йиғиндисидан иборатдир. Улар орасида энг муҳими иқтисодий муносабатлардир.

Иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари - бу барча устқурма муносабатлар асосида турувчи ва ўз салмоғи жихатидан муносабатлар тизимида етакчи бўлган, асосий муносабатлардир. Шу сабабли, республика иқтисодиётини қайта қуришнинг моҳияти маъмурий муносабатлар устунлигидан иқтисодий муносабатларга бошқарувнинг барча даражаларида манфаатларни бошқариш ва кишилар манфаатлари воситасида бошқаришга ўтишдан иборат. Лекин меҳнат жамоалари фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, ҳукуқий вазифаларни ҳам бажардилар.


Демак, иқтисодиёти бошқарув объекти сифатида мураккаб, ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий тизимдан иборат экан.

Шу муносабат билан ҳудудий менежментнинг асосий вазифаларига ҳар бир ҳудуднинг барқарор ривожланиши, ижтимоий тинчлик ва шахсий ривожланишда аҳолини жаоб қилиш ва мувофиқлаштириш ҳисобланди

Ҳудудий менежментнинг таркибига қуйидаги элементлар киради:

- Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари
- тармоқларнинг ҳудуддаги бошқарув органлари
- нодавлат ноижорат ташкилотлар.


Бозор иқтисодиёти шаротида ҳар бир ҳудуд ўз иқтисодий ривожланишида кўпроқ эркинликка эга бўлиши, ишлаб чиқариш натижаларидан, аввало ушбу ҳудуд аҳолиси манфаатдор бўлиши лозим. Чунки мулк ҳам ҳудудий ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги усуллари вужудга келдики, буларга эскича усул билан, эски органлар билан раҳбарлик қилиб бўлмайди (-расм).



4- расм. Ўзбекистон Республикасида туманларнинг ҳудудий бошқарув.

Бир мамлакатда мавжуд нечта вилоят бўлса уларнинг ҳар бири ўзига хос маҳаллий бошқарувини ташкил этиши мумкин (- расм). Албатта бунда мамлакат миқёсида қабул қилинган қонуний ҳужжатларга риоя этилади.

Бирок, ҳар бир вилоят ўзининг ички имконият ва шарт-шароитларини ўзи белгилаши мақсадга мувофиқдир. Бу билан вилоятлар миқёсидаги иқтисодий муаммолар тезроқ ўз ечимига эга бўлади. Қайд этиш керакки, бир вилоятдаги муҳим муаммо иккинчи вилоятда унча сезиларли даражада бўлмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан иқтисодий ривожланишда ҳам ўзига хос фарк юзага келиши табиий.



5- расм. Маҳаллий бошқарув органлари.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш давлат бошқарувини оптималлаштириш воситаси сифатида зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам замонавий демократик давлат, агарда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш мавжудлигини кафолатламас экан, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни самарали бошқаришни таъминлай олмайди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқаролар сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш шаклларида бири сифатида зарур. Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини демократик тамойилларга мансуб деб ҳисоблайдиган маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг Европа ҳартияси ҳуқуқ бевосита маҳаллий даражада амалга оширилиши мумкин деган эътиқоддан келиб чиқади.

Бошқаришнинг демократик номарказлаштирилишини таъминлайдиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, халқ ҳокимиятининг махсус институти (таълими)ни ўзида намоён этади. Турли конституцион тузумли давлатларда ва ҳатто, бир давлат ривожланишининг турли босқичларида ўзини ўзи бошқариш усуллари бир хилда кўзга ташланмайди. Унинг ташкилий шакллари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ваколати, бу идораларнинг ваколати, бу идораларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ҳаддан ташқари турли-тумандир. Шу билан бир вақтда, унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қандайдир умумийлик ҳам мавжуд. Унинг моҳияти - бу маҳаллий аҳамиятдаги ишларда сайлов органлари орқали, қонун доирасида, аммо марказий ҳокимиятнинг аралашувисиз, бевосита фуқаролар томонидан амалга ошириладиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти эканлигидир. Бу «ўз манфаатлари, ривожланишининг тарихий хусусиятлари ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий расм-русум ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини қафолатлайдиган мустақил фаолият»дир. Ҳар икки талқиндаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий «таянч» нуқтаси маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни амалга ошириш масалаларини мустақил равишда ҳал этишдан иборат. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш субъекти умуман олганда, «аҳоли» бўлиши керак эмас, балки «маҳаллий аҳоли», яъни шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қиладиган ва ҳам маъмурий лавозимларга сайланадиган одамлар бўлмоғи даркор. Худудий бошқарувнинг яна бир бўғини – бу нодавлат нотижорат ташкилотларидир. Уларнинг бозор иқтисодиётидаги вазифалари маҳаллий бошқарув органлари фаролятидаги бўшлиқларни қоплаш ўзини ўзи бошқариш тамойилларини ривожлантиришдан иборат.

II -БОБ САМАРҚАНД ШАХРИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ ХОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

2.1. Самарқанд шаҳридаги туристик ташкилотларнинг умумий тавсифи

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда рўй берганидек, Самарқанд туристик бозорида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Булар қуйидагилардан иборатдир:

- монопол хўжалик юритишдан кўп укладли хўжалик юритиш тизимига ўтилди, яъни, мамлакатимизнинг туристик бозорида хусусий туристик корхоналар пайдо бўлди;

- туристик бозор янги тартиблар асосида фаолият юрита бошлади, яъни, туристик корхоналар учун нарх белгилаш, истеъмолчи ва таъминотчиларни танлаш эркинлиги яратилди;

- туристик бозорда туристик талабнинг янги турлари пайдо бўлди, яъни, шоп-турлар, саргузашт-турлар, тил ўрганиш турлари кабилар вужудга келди;

- туризмнинг асосий воситаларига бўлган талаб янади кучайди, уларнинг сервис хизмати сифатини оширишга қаратилган бўлишини талаб қилинмоқда, яъни автомобилларнинг дизайни ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги кабилар;

- Самарқанд туристик бозорига йирик меҳмонхоналар кириб келди ва улар билан амалга ошириладиган қўшма фаолият ривожланишида хорижий инвесторларнинг иштироки ошди;

- туризмдан маҳаллий аҳолининг даромад олиш имкониятлари етарли даражада ўсиш босқичига кирди.

Мамлакатимизга, хусусан Самарқанд вилоятига ҳам туристларнинг ташрифи йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2011 йил мобайнида вилоятимизга жами 103,72 минг нафар турист ташриф буюрган эди. 2008 йилда ушбу кўрсаткич 58,8 минг нафарни ташкил этган. Бу 2011 йилда 2008 йилга нисбатан 76,4 %га ўсганлигидан далолат беради. Вилоятимиз бўйича хорижий туристларнинг ташрифи 2011 йилда 70,84 минг кишини ташкил

қилган бўлса 2008 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 36,9 минг кишини ташкил қилган эди. Бу умумий туристларнинг 2011 йилда 68,3 %ни ташкил қилса, 2008 йилда 62,4 %ни ташкил қилган эди. Мамалакатимизда ҳам ушбу кўрсаткичнинг миқдори юқоридаги кўрсаткичга мос равишда кўпайиш тенденциясига эга бўлган. 2008 йил давомида туристик фирмалар ва меҳмонхоналар томонидан жами 5710,9 млн.сўм миқдорида умумий хизмат кўрсатилган эди. Бу кўрсаткичнинг ҳажми 2011 йилга келиб 13348,5 млн сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 233,7 %ни ташкил қилади[†].

Аммо ушбу соҳанинг ривожланиши учун ҳали кўпгина салбий омиллар ҳам мавжуддир. Самарқандга етиб келувчи туристик саёҳатларни ўсишига салбий таъсир этиши мумкин бўлган баъзи ҳолларни санаб ўтиш мумкин:

- кўпгина меҳмонхоналарда таомларнинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги;
- Ўзбекистон ичидаги меҳмонхона хизматлари нархларининг асосий рақобатчиларига нисбатан қимматлиги, транспорт нархларининг юқорилиги;
- туристларнинг эсдалик учун ҳарид этиладиган миллий сувенирларимизнинг камлиги ва нисбатан қимматлиги;
- жорий инфратузилмани такомиллаштириш ва янгиларини яратиш учун хусусий соҳа вакилларида маблағларнинг етишмаслиги;
- тарғибот масалаларига етарлича эътибор берилмаганлиги туфайли хорижий фуқароларнинг аксариятида Ўзбекистон тўғрисида маълумотнинг камлиги;
- Ўзбекистондаги жорий нархларнинг қимматлигидан ташқари, баъзи ҳолларда, таклиф этилаётган товар ва хизматлар сифатининг шу нархга мос эмаслиги.

Умуман олганда Самарқанд вилоятида ҳозирги кунда туристик ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланаяти, деб бўлмайди. Шу туфайли

[†] Манба: «Ўзбектуризм» миллий кампанияси ҳисоботларидан олинди

туристларга мўлжалланган меҳмонхоналарнинг бандлик даражаси паст ҳолда қолиб кетмоқда.

Ҳозирги пайтда туризмни ривожлантириш ва меҳмонхоналар самарадорлигини ошириш ҳамда хизмат сифатини ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Жумладан, Самарқандда экотуристтик салоҳият ҳам бошқа туристик объектлар сингари етарли бўлишига қарамадан хорижий туристларни экотуризм йўналишлари бўйича маршрутлар ишлаб чиқилмаган. Туристтик фирмалар томонидан бу йўналиш бўйича янги туристик маршрутлар ишлаб чиқилиб, Самарқандга туристлар ташрифини кўпайтириш чоралари кўришлари лозим. Чунки, мазкур соҳани ривожлантириш кўп маблағ сарфламасдан кўшимча валюта тушумини таъминлайдиган муҳим йўналишлардан биридир. Зеро, туристларни кўпайтириш учун меҳмонхоналар билан боғлиқ туристик инфратузилмалар тегишли тарзда яратилган.


Ҳозирги кунга келиб Самарқанд шаҳрида 140 дан зиёд туристик мажмуалар иш юритишмоқда.

Шулардан 67 таси меҳмонхона хўжалигини юритиш учун лицензияларга эга. Ушбу туристик мажмуалар ёрдамида 2011 йил якунларига кўра 17826,3 млн.сум лик хизмат кўрсатилаган (-расм).



*“Ўзбектуризм” МК маълумотлари асосида.

Кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар 1465,8 млн.сум ни ташкил этади (...-расм)



*“Ўзбектуризм” МКнинг 2011й якунларига бағишланган маълумотлари асосида

Бу расмдан кўришиб турибдики олинган даромадлар суммаси ўтган йилларга нисбатан 2011 йилда анча юқори. Бундан кўринадигани 2011 йилда хизматлар сифати ва туристлар сони анча юқори бўлган.

Хизматлар экспортидан олинган тушум қуйидагича кўринишга эга (АҚШ долларидан) (....-расм):


8-расм



Бу расмдан кўришиб турибдики 2010 йил якунига қараганда хизматлар экспортидан келган тушум 2009 йилга қараганда анчагина паст бўлган ва 2011 йилда яна кўпайган.

Туристларнинг оқимига қарайдиган бўлсак (киши нафар) (9-расм):

9-расм



Ушбу расмдаги маълумотлардан келиб чиқадиган бўлсак, 2011 йилда 2010 йилдагига анча ривожланишларни кузатиш мумкин. Энди юқорида айтилганидек меҳмонхоналар иш фаолиятини туризмга таъсирини текшириш мақсадида алоҳида 24 та меҳмонхона ажратиб кўрсатамиз.(4-жадвал)

Харажатларнинг самарадорлиги ва рентабеллиги, шунингдек устав капитали рентабеллиги кўрсаткичлари “Тумарис” меҳмонхонасида бошқа меҳмонхоналарга нисбатан анча паст. Бу ушбу меҳмонхонада даромадларни катта харажатлар эвазига олинганлиги сабабли юз берган.

Самарадорликнинг бевосита натижасини иодаловчи тўлов қобилияти, молиявий мустақиллик ва қарамлик (леверж) кўрсаткичлари асосан кичик бизнес субъектларига кирувчи туристик-меҳмонхоналардаюқори ҳисобланади, йирик бизнесга кирувчи “Афрасиаб-Палас” туристик-меҳмонхона комплексида бу кўрсаткичлар анча пастдир.

4-жадвал

**Самарқанд шаҳрида жойлашган туристик-меҳмонхоналар томонидан
2011 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми ва уларда мавжуд қувватлардан
фойдаланиш даражаси**

№	Ташкилотлар номи	Жами ўринлар сони	Меъёрий қуввати, киши-кун	Хизмат кўрсатилган кишилар сони	Хизмат кўрсатиш, киши-кун
1.	“Афрасиаб-Палас” МК	500	182500	10015	20138
2.	ХФ “Алижон”	32	11680	1282	3136
3.	МЧЖ “Антика Плюс”	10	3650	1230	1522
4.	МЧЖ “Отель Азия Самарқанд” ҚК	138	50370	4444	6528
5.	МЧФ “Баракот”	16	5840	70	175
6.	МЧЖ “Гиза-Тур”	16	5840	230	758
7.	“Жони тур бахт Сервис”	21	7665	224	288
8.	“Зарафшан ПариСА”	88	32120	167	386
9.	ХИЧСФ “Зилол Бахт”	24	8760	178	386
10.	МЧЖ “Камилла-Орзу”	50	18250	845	947
11.	“Людмила” МК	86	31390	326	511
12.	ХК “Нажиба”	8	2920	225	476
13.	МЧЖ “Оксус тревел”	8	2920	104	735
14.	МЧЖ “Панорама”	90	32850	2777	8277
15.	МЧЖ “Севара Тур”	20	7300	398	2036
16.	ХК “Ситора Омад”	9	3285	517	601
17.	ХК “Темур зе Грейт”	8	2920	136	202
18.	МЧЖ “Тумарис”	29	10585	2345	3049
19.	“Фуркат-Самарқанд”	29	10585	923	1329

20	ХИЧСФ “Шарк”	38	13870	4109	4109
21	ХК “Шохина СТД”	5	1825	183	236
22	“Шахерезада НТЛ”	32	11680	1777	3662
23	ТСХФ “Эспрю дю Темп”	42	15330	3013	5781
24	МЧЖ “Карафан Тревел”	28	10220	46	565
				35564	65833

5-жадвал


Самарқанд шаҳридаги айрим туристик-меҳмонхона мажмуаларида 2011 йилда эришилган самарадорлик кўрсаткичлари

№	Ташкилотлар номи	Ўлчов бирлиги	Афрасиаб-Палас	Тумарис	Эспрю дю Темп
1.	1та меҳмонга тўғри келувчи ўртача тушум	Минг сўм	238.7	99.4	28.8
2.	1та ходимга тўғри келувчи ўртача тушум	Минг сўм	13279.4	29137.5	9666.7
3.	1та ўринга тўғри келувчи ўртача тушум	Минг сўм	4780.6	8037.9	2071.4
4.	Кўрсатилган хизматлар даромадлиги	%	47.5	100.0	52.8
5.	Харажатлар самарадорлиги	Сўм	1.22	1.03	1.34
6.	Харажатлар рентабеллиги	Сўм	0.22	0.03	0.34
7.	Хизматлар рентабеллиги	%	18.1	3.1	25.4
8.	Жами активлар рентабеллиги	%	4.5	6.1	22.3
9.	Узоқ муддатли активлар рентабеллиги	%	5.4	7.6	33.4
10.	Жорий активлар рентабеллиги	%	28.0	30.9	66.8
11.	Устав капитали рентабеллиги	%	89.5	18.0	88.4
12.	Умумий тўлов қобилияти	%	22.5	250.5	1655.0
13.	Жорий тўлов қобилияти	%	265.6	250.5	1655.0
14.	Мустақиллик даражаси	%	27.8	92.1	98.0
15.	Молиявий леверж (қарамлик) нисбати		259:100	8:100	2:100

5-жадвалда келтирилган қисқача таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд туристик маконда туристик-меҳмонхона мажмуаларида молиявий хўжалик фаолиятини тубдан яхшилаш, улар иқтисодий самардорлигини оширишга эришиш учун туристлар, айниқса хориждан келтирувчи туристлар, маҳаллий меҳмонлар оқимини кўпайтириш, уларга кўрсатилган хизматлар сифатини янада ошириш зарур.

2.2. «СОГДА ТУР» туристик компаниясининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Самарқанд шаҳрининг етакчи туристик компаниялар қаторида «СОГДА ТУР» туристик компаниясини ажратиш мумкин. «СОГДА ТУР» туристик компанияси таркибига бир неча ташкилот киради: «СИЛК СОГДА ТУР» туристик фирмаси, «СОГДА ТУР» транспорт фирмаси, «СОГДА ТУР» авиакассаси ва « ОТЕЛЬ СОГДА ТУР» мехмонхонаси. (10 -расм)



10- расм «СОГДА ТУР» туристик компаниясининг тузилиши

«СОГДА ТУР» туристик компанияси масъулияти чекланган жамияти 01.10.2006йилда утказилган Иштирокчилар умумий йигилиши №1 сонли баенномаси асосида «СОГДА ТУР» туристик компанияси масъулияти чекланган жамияти килиб тузилган булиб Самарқанд шаҳар Хокимияти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Руйхатга олиш инспекциясида руйхатга олинган.

Туристтик компания уз фаолияти да Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари: «Масъулияти чекланган хамда кушимча маъсулиятли жамиятлар тугрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тугрисида»ги, «Узбекистон Республикасининг мулкчилик тугрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя килиш чоралари тугрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тугрисида»ги хамда амалдаги конунчилик ва норматив

хужжатларга, шунингдек ушбу туристик компания Низоми ва таъсис шартномасига асосан иш юритади.

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «СОГДА ТУР» туристик компанияси тузилиши натижасида бозорни зарур булган товарлар ва хизматлар билан кондиритиш, аҳолини меҳнатга жалб қилишни янги имкониятларини ташкил қилиш, илмий-техник ютуқларини жорий қилиш ва бошқа мақсадларда таъсис қилинган.

ТК уз номидан ва уз хисобидан қуйидаги фаолиятни амалга оширади:

- туризм, шунингдек халқаро туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш;
- меҳмонхона комплексларини қуриш ва аҳолига меҳмонхона хизматларини курсатиш;
- пахта кайта ишлаш, текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- сут, гушт ва қишлоқ хужалик маҳсулотларини қайта ишлаш, консервалаш, қадоклаш, ураш ва улардан тайерланган маҳсулот ва яриммаҳсулотларни сотиш;
- қишлоқ хужалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сотиб олиш, саклаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш, техникага оид маҳсулотларни ва қурилиш материалларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- улгуржи, чакана, тижорат, воситачилик савдосини ва дукон, савдо уйлари ва бошқаларни ташкил этиш ва утқизиш;
- умумий оқватланиш корхоналари кафе, бар ва ресторанлар очишни ташкил қилиш;
- қурилиш, реставрация, таъмирлаш, монтаж, лойиха-смета, ремонт-қурилиш, бадиий безаш, дизайн, автомобил сервисни ташкил этиш, консалтинг, спорт-соғломлаштириш, тиббий, маркетинг, брокерлик, дилерлик, саклаш ва бошқа хизматини курсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида ярмарка ва курғазмалар, ким ошди савдолари, тендерлар ва бошқа савдоларни ташкил қилиш, уларда қатнашиш;
- тиқув корхоналарни ишини ташкил этиш ва хизматлар курсатиш
- аҳолига маиший хизматлар курсатиш;
- хар хил турдаги байрам ва шоу дастурларни, концертларни ташкил этиш;
- реклама, нашриет фаолияти;

- ташки иктисодий ва тижорат фаолиятини утказиш;
- доривор моддалар ва препаратлар, тиббий техника ва жихозлар, шунингдек стандарт булмаган дастгоҳ ва ускуналар ишлаб чиқариш, сотиш савдосини ташкил этиш ва импорт;
- божхона омборхоналарини ташкил этиш, юкларни омборхоналарга жойлаштириш, саклаш декларация тулдириш ва расмийлаштириш хизматларини курсатиш.


«СОГДА ТУР» туристик компаниясининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалди келтирилган (6 -жадвал)

6- жадвал

«СОГДА ТУР» туристик компанияси нингиқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич номи	йиллар		
		2009	2010	2011
1.	Туристлик хизматлар кўрсатиш ҳажми, минг сўм	115400,7	126760,2	132550,1
2.	Соф фойда, минг сўм	10400,4	10831,2	13110,0
3.	Хизмат кўрсатилган туристлар сони, киши, шу жумладан	2180	2166	2341
	А) хорижий туристлар	2084	2104	2289
	Б) МДХ давлатларидан	96	62	52
4	Бир туристга тўғри келадиган соф фойда, минг сўм	4,8	5,0	5,6
5	Бир туристга тўғри келадиган хизматлар ҳажми, минг сўм	52,9	58,5	56,6

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики «СОГДА ТУР» туристик компаниясида хизмат кўрсатилаётган туриатлар оқими бир маромда бўлмоқда Бу компаниянинг бозорда яхши ўринга эга эканилигидан далолат беради. 2009 йилда туристлар сони 2180та бўлса 2011 йилда бироз ошган яъни 2341 тани ташкил қилади. Бир туристга тўғри келадиган хизматлар ҳажми ҳам деярлик ўзгаришсиздир. Шунини ҳам таъминлаш лозимки туристик компания асосан хорижий туристларга хизмат қилади (11- расм).



11- расм. 2011 йилда «СОГДА ТУР» туристик компаниясида қабул қилинган туристлар таркиби.

Туристлар оқимининг ошиб бориши компаниянинг молиявий кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келади. Шу билан биргаликда 2011 йилга мўлжалланган режали кўрсаткичлар бажарилмаганлиги компанияда бошқарув ҳолатида маълум муаммолар борлигидан далолат беради. (-жавал)

**«СОГДА ТУР» туристик компаниясида 2011 йилда режа
кўрсаткичларининг бажарилиши**

№	Кўрсаткичлар	режа			%
		режа	хақиқий	Фарқи (+),(-)	
1.	Ходимлар сони	36	36	-	100,0
2.	Шу жумладан рахбарлар	3	3	-	100,0
3.	Туристлар сони, киши	2400,0	2341	-59	95,5
4.	Шу жумладан хорижий	2300,0	2289	-11	99,5
5.	Соф фойда, минг сўм	14000,0	13110,0	-890	93,6
6.	Бир туристга тўғри келадиган соф тушум, минг сўм	6,1	5,6	-0,5	91,8
7.	Бир ходимга тўғри келадиган соф фойда, минг сўм	388,9	364,2	-22,7	93,6
8.	Бир рахбарга тўғри келадиган соф фойда, минг сўм	4666,7	4366,7	-300,0	93,5

Хақиқий қабул қилинган туристлар сони режадагидан 4,5%га паст , соф фода эса 6,3% кам бўлган. Бунинг сабаби бир неча гурухлар шартнома асосида етиб келмаганлигидадир.

«СОГДА ТУР» туристик компаниясининг бошқарув тизимини тахлил қиладиган бўлсак унинг ҳозирги шароитга мослигини кўрамиз. Компанияда жами 36 киши бўлиб, бошварув аппаратида 7 киши жалб этилган.

Тижорат масалалари бўйича компанияда барча раҳбарлар функционал белгилари бўйича вазифаларни тақсимлаб олганлар. Персонал масалаларини шахсан директорнинг ўзи ҳал қилади. Жуда муҳим ўринни шартномалар тузиш ва уларни бажарилишини таъминлашга қаратилади. «СОГДА ТУР» туристик компанияси бошқаруви тизимида яна бир хусусиятни кўришимиз мумкин, яъни ҳар бир раҳбар алоҳида бўлинмага жавобгардир. Молиявий бошқарувни бошхўлгалтер бошқилигадиги бухгалтерия амалга оширади.

2.3. Самарқанд шаҳридаги туристик ташкилотларнинг стратегик ҳолатини таҳлил қилиш.

Меҳмонхона бозорини таҳлил қилиш жараёнида портфел таҳлилидан фойдаланиш мумкин. Портфел таҳлили - бу стратегик менежмент жараёнларини аниқлаштириш ва яқунланишидир. Қайси усул қулланишидан қатъий назар стратегик ҳолат таҳлил қуйидагиларга асосланади:


- * товар бозори ёки сегментлар бўйича фаолият йўналишини аниқ тақсимланиши;
- * турли йўналишдаги стратегик қадриятни солиштиришга олиб келувчи жалб этувчанлик ва рақобатбардошлик кўрсаткичлари;
- * стратегик ҳолат билан иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқалар (айниқса БКГ услубида).

Уз портфелини таҳлил қилиш кўп йўналишли фирмага чекланган ресурсларни узи фаолият олиб бораётган турли бозорлар ўртасида тақсимлашда ёрдам беради. Умуман олганда, вазифа ҳар бир кўриб чиқилаётган товар бозорини икки мустақил мезон бўйича: асосий бозорнинг жалб қилувчанлиги ва фирманинг рақобатчилик кучи бўйича таснифлашдан иборатдир.

“Усиш-бозор улуши” матрицаси. БКГ матрицасида икки мезондан фойдаланилади: биринчи мезон жалб қилувчанлик индикатори сифатидаги мақсадли сегментнинг ўсиш суръати бўлса, иккинчиси рақобатбардошлик индикатори сифатидаги энг хавфли рақобатчига нисбатан бозор улушидир. Бунда бўлиш чизиклари билан тўрт квадрантга ажратилган икки киришли жадвал ҳосил бўлади.

Биринчидан, ўсиш суръатлари юқори ва паст бўлган бозорларни ажратиб турувчи асосий чизик “бозорнинг усиши” укига нисбатан ялпи миллий маҳсулотнинг натурал курсаткичлардаги усиш суръатига ёки фирма фаолият курсатаётган турли сегментлардаги ўсиш суръатларининг ўртача қийматига тугри келади.

Иккинчидан эса, “бозор улуши” уки учун ажратиш чизиги одатда 1 ёки 1,5 нукталари оркали утказилади. Бозор улуши бу кўрсаткичдан юкори бўлса, катта, акс холда эса кичик ҳисобланади.



4 - расм. “Усиш-бозор улуши” матрицаси (БКГ матрицаси)

Матрица шу тарзда аввал киритилган бозорнинг нисбий улуши тушунчасидан келиб чиқади, бу тушунча энг хавфли ракобатчи эгаллаб турган бозор улушига нисбатан аниқланади.

Нисбий бозор улуши тушунчасига мурожаат қилиниши бозор улуши билан тажриба уртасида ва, демакки, рентабеллик уртасида мусбат корреляциянинг мавжудлиги хақидаги гипотезага асосланган. Бу нуктаи назардан караганда, бозордаги энг яқин ракобатчи 40 ёки 50%лик улушга бўлганда 20%лик улушга эга бўлиш мутлако турли хил ракобатли вазиятларга тугри келади.

Демак, туртга квадрантнинг ҳар бири бир-биридан тубдан фарк қилувчи вазиятни англатиб, бу вазиятларнинг ҳар бири молия билан таъминлаш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш нуктаи назаридан алоҳида ёндашувни талаб қилади.

- **“Согин сигирлар”** (секин ўсиш/юкори улуш): бозор улушини қўлда тутиб туриш учун талаб қилинадиган миқдордан кўпроқ маблағ келтириши

мумкин бўлган фирмалар. Улар диверсификация ёки тадқиқотларни ривожлантиришга мўлжалланган молиявий маблағларнинг манбалари хисобланади. Бу ерда устивор стратегик мақсад “ҳосилни йиғиб олиш”дан иборат бўлади.

- **“Итлар”** (секин ўсиш/кичик улуш): бозордаги энг кўнгилсиз позиция. Одатда харажатлар жихатдан ёмон аҳволда бўладилар ва шунинг учун бозор улушининг кўпайиш эҳтимоли кам бўлади, бунинг устига бозордаги кураш асосан яқунланган бўлади. Одатда бундай фирмаларнинг сақлаб турилиши катта молиявий сарф-харажатларга олиб келиб, аҳволнинг яхшиланиш эҳтимоли кам бўлади. Бу ҳолатдаги устувор стратегия қайта инвестициялаш ва камхаражатликдир.

- **“Сўроқ белгилари”** (тезкор ўсиш/кичик улуш): бу гуруҳдаги фирмалар ўсишни қўллаб-қувватлаш учун катта маблағлар талаб қилади. Уларнинг аҳволи пешқадамга қараганда унчалик яхши бўлмаса ҳам, уларда маълум даражада муваффақият қозониш эҳтимоли бор, чунки бозор ҳали кенгайиб бормоқда. Бу товарларга молиявий ёрдам кўрсатиб турилмаса, улар ҳаёт цикли бўйлаб ҳаракатланиш давомида “итлар”га айланиб боради. Шунинг учун бу ерда муқобил вариант бор: бозор улушини ошириш ёки қайта инвестициялаш.

- **“Юлдузлар”** (тезкор ўсиш/юқори улуш): тезкор ўсиб бораётган бозордаги пешқадам фирмалар. Бу товарлар ҳам ўсишни қўллаб-қувватлаш учун катта маблағларни талаб қилади. аммо бундай товарлар рақобатбардош бўлганлиги туфайли катта даромад келтиради; бозор етилиб борган сари аввалги “соғин сигирлар”нинг ўрнини эгаллайди.

Пунктир чизиқлар - ушбу объектларнинг харажатларини англатади.

Тўғри чизиқлар - “соғин сигирлар” дан тушган маблағларни тақсимлаш йўналишини белгилайди.

Ҳар қандай бизнесни (фаолият тури) шу кўринишдаги матрицага солиш мумкин. Унинг кўлами юзасининг майдони савдо ёки тушум ҳажмига мутаносиб бўлган доира билан белгилаш мумкин. Таҳлилни динамик

режимда, ҳар бир бизнеснинг вақт давомида ривожланишини кузатиб борган ҳолда ўтказиш керак. Бизлар олдин кўриб чиққани туристик фирмаларнинг бозордаги стратегик ҳолатини таҳлил қилсак қуйидагиларни кўрамиз (8-жадвал)

8 - жадвал

Самарканд шаҳридаги туристик фирмаларининг стратегик ҳолатини таҳлили.

№	Ташкилотлар номи	Жами ўринлар сони	Стратегик ҳолати
1	“Афрасиаб-Палас” МК	500	“Согин сигирлар”
2	ХФ “Алижон”	32	“Юлдузлар”
3	МЧЖ “Антика Плюс”	10	“Сўроқ белгилари”
4	МЧЖ “Отель Азия Самарканд” ҚК	138	“Согин сигирлар”
5	МЧФ “Баракот”	16	“Сўроқ белгилари”
6	МЧЖ “Гиза-Тур”	16	“Юлдузлар”
7	“Жони тур бахт Сервис”	21	“Итлар”
8	“Зарафшан ПариСА”	88	“Юлдузлар”
9	ХИЧСФ “Зилол Бахт”	24	“Сўроқ белгилари”
10	МЧЖ “Камилла-Орзу”	50	“Юлдузлар”
11	“Людмила” МК	86	“Согин сигирлар”
12	ХК “Нажиба”	8	“Итлар”
13	МЧЖ “Оксус тревел”	8	“Сўроқ белгилари”
14	МЧЖ “Панорама”	90	“Юлдузлар”
15	МЧЖ “Севара Тур”	20	“Сўроқ белгилари”
16	ХК “Ситора Омад”	9	“Сўроқ белгилари”
17	ХК “Темур зе Грейт”	8	“Итлар”
18	МЧЖ “Тумарис”	29	“Согин сигирлар”
19	“Фуркат-Самарканд”	29	“Согин сигирлар”
20	ХИЧСФ “Шарк”	38	“Сўроқ белгилари”
21	ХК “Шохина СТД”	5	“Итлар”
22	“Шахерезада НТЛ”	32	“Сўроқ белгилари”
23	ТСХФ “Эспрю дю Темп”	42	“Согин сигирлар”
24	МЧЖ “Карафан Тревел”	28	“Юлдузлар”

Ушбу жадвалдан кўриниб тарихдики танланган 24та туристик ташкилотлардан 25%ни - “юлдузлар”, 25 % ни “согин сигирлар”, 35 %ни – “Сўроқ белгилари” ва 15 %ни “итлар” ташкил қилан экан. Туристик фирмаларда барқарорлик ҳақида сўз юритиш қийин , шу сабабли Самарканд туристик маконида худудий бошқарув тамойилларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

III-БОБ. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Самарқанд туристик маконида туризмни бошқариш тузилмаларини такомиллаштириш

Маълумки, туризмда сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун махсус туристик ташкилотлар шуғулланади, туристларни кутиб олиш, жойлаштириш ҳамда уларни дам олишларини таъминлаш одатда сайёҳлик фирмалари (туроператорлар ва турагентлар) зиммасида бўлади. Шундай экан туристларни меҳмонхоналар, мотеллар, дам олиш уйларига жойлаштириш уларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатиш туризмдаги хизматлар ичида алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги туристларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ташқари темир йўл ва ҳаво йўллари, автобус парклари, ресторан ва кафелар, музей ва аттракционлар, театр, кино, суғурта компаниялари ва бошқалар туризм инфраструктураси таркибига киради.

Самарқанд вилояти туризмда яратилган шарт-шароитлар даражаси бўйича республика вилоятлари орасида етакчи ўринда туради (_-расм).

Вилоятда мавжуд туристик фирмалар, меҳмонхоналар сони ва хизматининг сифати бўйича ҳам ажралиб туради.

Вилоятда туризмнинг турли йўналишларини масалан, диний, тарихий, археологик, этнографик, экотуризм ва ҳ.к.ларни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд бўлиб, бу имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш учун албатта инфраструктурасини ҳолати талабга жавоб берадиган бўлиши зарур.

Самарқанд вилояти туризмини ривожлантириш муаммоларининг таркибий тузилиши



Шуни таъкидлаш жоизки, вилоятда инфраструктуранинг мукамал кўриниши фақат Самарқанд шаҳрида кўришимиз мумкин, қолган қишлоқ туманларида туризм инфраструктураси жуда паст даражада, айрим туманларда умуман йўқ, ваҳоланки, туманларнинг туристик имконияти жуда юқори. Лекин бу имкониятлардан фойдаланилмапти.

Самарқанд вилоятида туризмнинг ривожланиш ҳолатининг SWOT- таҳлили

Кучли (устун) томонлари

табиий иқлим ва экологик, тарихий– маданий, диний ҳамда рекреацион ресурслар салоҳиятининг юқрилиги; диний, маданий, спорт, савдо, илм-фан, кўргазмалари, фестиваллар, концерт, форумлар ва семинарлар ўтказиш учун инфраструктуравий тармоқларнинг мавжудлиги; дунёга машҳур инсонларнинг номи билан боғлиқ объектларнинг (қадамжоларнинг) мавжудлиги; туризмни ривожлантириш учун хизмат, бизнес ва ижтимоий ташкилотларнинг барқарор ривожланаётганлиги; халқаро оммавий кўнгилочар ва бошқа маданий тадбирларнинг даврий ташкил этилиши (шарқ

Камчиликлари

туристик инфраструктураларнинг тарқоқлиги ҳамда улар билан тижорат-хўжалик алоқаларининг мутаносиб эмаслиги; янги турдаги турмахсулотларни яратиш, уларни силжитиш бўйича маркетинг тизимларининг заифлиги; халқаро туризмни ривожлантириш бўйича коммуникацион тизимларнинг заифлиги; туризм индустриясида малакали кадрларнинг етишмаслиги; туристик фирмалар билан ўқув марказлари ўртасида интеграциянинг заифлиги; нарх ва туристик хизмат сифати ўртасидаги номуаносиблик; - туризм ҳамда туристик хизматлар

тароналари);
вилоятнинг географик нуқтаи назардан Буюк ипак йўли ва республиканинг марказий транспорт тугунида жойлашганлиги;

ахборот алоқа узатиш ва телекоммуникацион замонавий тизимлар билан таъминланганлиги;

туризм тармоғида фаолият олиб боровчи субъектлар рақобатнинг барқарорлиги.

Имкониятлари

инфраструктурани ривожлантириш учун инвестициялар киритишга бўлган қулайлик;

туристик хизматларга бўлган талабнинг шаклланишини қувватловчи ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

туристик хизматлар бозорининг мавжуд турресурслардан самарали фойдаланиш эвазига ўсиш имконияти-нинг мавжудлиги;

вилоятдаги ички ва ташқи туризмнинг кенгайиши учун турресурсларнинг жозибадорлиги;

тўғрисида аҳоли ўртасида, уларнинг билим савиясини ошириш бўйича, ишларнинг ривожланмаганлиги;

ўзининг туристик инфраструктураси ва инвестицион салоҳиятига эга бўлган ички туризм билан шуғулланувчи туроператорларининг етишмаслиги;

Тахдидлар

- республика вилоятларида туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар ўртасида рақобатчиликнинг кескинлашуви;

- аҳолининг тўловга қодир талабининг даромад камайиши ҳисобига тушиб кетиши;

- қўшни республикаларда салбий сиёсий вазиятларнинг вужудга келиши;

- Фарғона водийси вилоятлари ва бошқа минтақаларнинг раёбатбардошлигини оширилиши

шаҳарсозлик ва ободонлаштириш ишларининг барқарор ўсиб бориши.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатимиз миллий иқтисодийтида туризмни ролини ошириш, ундан келадиган даромадни ва шу соҳада банд аҳолини кўпайтириш, «Туризм асри» деб аталмиш ХХІ асрда давлатимиз ҳукуматининг олдига қўйган асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Вилоятда туризмни ҳудудлар бўйича ривожлантириш, туризм бошқарувини яхши йўлга қўйиш зарур. Имкон қадар шу соҳада ишловчи кишилар сонини кўпайтириш аниқроғи малакали мутахассислар (турагент, туроператор ва гидтаржимон) тайёрлаш, уларга чет эл тажрибасини ўргатиш ва сифатли хизмат кўрсатиш хусусияда илмий семинарлар ташкил қилинса мақсадларга мвуофиқ бўлар эди.

Минтақада туризмни ривожланишида маҳаллий тадбиркорларга ҳам кенгроқ йўл очиб бериш зарурлиги илмий ишнинг асосий қисмида тўлалигича айтиб ўтилди.

Агарда ҳукумат томонидан уларга имтиёзлар яратилса, тадбиркорлар келажакда катта даромад келтирувчи кўнгилочар мажмуалар, меҳмонхоналар, туристларга транспорт хизмат кўрсатувчи корхоналар очиши мумкин.

Самарқанд вилоятига келаётган чет эллик саёҳлар сонини кўпайтиришнинг яна бир йўли, виза ва божхоналардаги турли ҳужжатбозлик каби муаммоларни ҳал этиш зарур. Ўрганилган ишдан яна шунини хулоса қилиб айтиш керакки, шаҳарга келаётган туристлар учун яратилган хизматлар ва меҳмонхоналарга қўйилган нархлар бир мунча

юқори. Бунга албатта меҳмонхоналарга давлат томонидан қўйилган солиқ ва мажбуриятлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Самарқанд вилоятида фақатгина тарихий-меъморий ва диний туризм яхши ривожланган. Шу боис шаҳар атрофида туризмнинг бошқа кўринишларини ҳам ривожлантириш ва туристик инфраструктурани йўлга қўйиш орқали туристлар вақтини чоғ ўтказишни таъминлаш лозим.

Саёҳатчиларни кундалик экскурсиядан кейинги вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўпроқ тадбирлар уюштириш зарур. Самарқандга келаётган туристларнинг аксарият қисми Европа мамлакатларидандир. Шу боис уларнинг куй-қўшиқлари янграб турувчи дискотекалар ва тунги клубларни тартибли равишда ташкил қилиш ҳам хизмат кўрсатишнинг бир кўриниши ҳисобланади. Бир нарсани аниқ айтиш мумкинки, туристлар ичида асосан нафақа ёшидаги кишилар 90-95% ни ташкил қилади. Шунинг учун уларга миллий ўзбек фольклорларини намойиш қилиш, ҳамда маҳаллий аҳоли билан келишилган ҳолда туристлар хавфсизлигини таъминлаб тўйлар, урф-одатларни намойиш қилувчи тадбирларга олиб бориш меҳмонларда катта таассурот қолдиради.

Юқоридаги имкониятлардан тўла фойдаланиш учун Самарқандда туристик ҳудудий бошқарув тизимини янада такомиллаштириш зарур. Бизнинг фикримизча, туризм соҳасидаги ҳудудий бошқарув тузилмаларини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд.

А) “Ўзбектуризм” МК Самарқанд бўлимнинг фаолиятини жонланитириш лозим. Ҳозирги вақтда кўп йилардан буён туристик ташкилотларга атерли таъсир кўрсатаолмаган бўлинма 2011 йилда фаолиятини вақтинча тўхтатиб қолди. Ҳозирги вақтда уни қайта қуриш ва функцияларини ривожлантириш масаласини олдинга суриш лозим, чунки уни тугатиш билан компаниянинг вилоятдаги вакили бўлмаса мувофиқлаштириш вазифалари бажарилмай қолади. Шу муносабат билан

бизнинг таклифимиз “Ўзбектуризм” МК Самарқанд бўлимини янада кенгайтириш ва унинг ваколатларини кучайтиришдан иборат.

Б) Самарқанд шаҳар ҳокимлаги қошидаги “Самарқанд туристик макони” Давлат унитар корхонасининг мақомини аниқлаштириш лозим, чунки барча туристик ташкилотлар хусусий бўлганлиги сабабли улар билан муносабат қуришди унитар корхонасида муаммолар вк\уждуга келмаслиги лозим. Унитар корхонага Самарқанднинг истиқболли ривожланишида туристик комплекснинг ўрнини белгилаш, туристик ресурслар жозибадорлигини ошириш каби йўналишлар юклатилиши мақсадга мувофиқ.

В) Нодавлат нотижорат ташкилотларининг туристик бизнесни бошқариш тизимидаги ўрнини ошириш. Ҳозирги вақтда Республика бўйича фаолият юритаётган хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси қаторига Самарқанд меҳмонхоналари уюшмаси, туристик операторлари ассоциацияси каби ташкилотлар билан бойитиш лозим

Г) Вилоятдаги бошқарув органларининг туризмни ривожлантириши билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи доимий орган тузилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу органнинг вазифаларига Самарқанд туристик салоҳиятини ошириш бўйича комплекс режани ишлаб чиқиш ва бажарилишини ташкил этишни киритиш лозим.

Туризмда ҳудудий бошқарув тузилмасига киритилган ташкилотларнинг фаолиятини доимий равишда мониторингини юритишда “Ўзбектуризм” МК Самарқанд бўлими услубий таъминотидан кенг фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

3.2. Туризм соҳасида бошқарувни ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни..

Туристтик соҳани жойларда бошқаришни ташкил қилиш биринчи ўринда менежментнинг замонавий усулларида кенг фойдаланишни тақозо қилади. Бу борада инновацион менежмент ёндашувлари катта аҳамиятга эгадир. Туристтик ташкилотлардаги инновацион жараёнлар хизмат кўрсатиш тартиби ва сифатини такомиллаштиришга қаратилган экан, энг аввало тажриба алмашиш, инновацион ғояларни тарқатиш (инновациялар диффузияси) ҳамда инновацион жараёнларни ташкил қилиш вазифаларини бажариши лозим. Шу муносабат билан туристик ташкилотларнинг бошқарув тизимида ахборот коммуникацияларни кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Инновацион жараёнларни туризм соҳасида Интернетнинг ривожланиши нафақат алоқа воситасини арзонлашишига, балки туристик хизматлар бозорининг барча иштирокчиларига ягона офис сифатида ишлашга имкон яратди. Интернет орқали глобал бронлаштириш тизими билан ишлаш агентликка нафақат хоҳлаган вақт мобайнида бўш ўринлар сони ва нархи ҳақида аниқ маълумотларни тезкор ҳолатда олишга, балки буюртманинг барча босқичларда ҳолатини кузатишга имконият беради.

Бронлаштириш тизимининг турли хиллари мавжуд (CRS- Computer Reservation Systems) улар бир биридан таклиф қилинадиган хизматлар тўплами ва ишлаш технологияси билан фарқланади. Нисбатан эски тизимлар “Сирена”, “Амадеус”, “Габриел” кабилар офисда ўрнатилган махсус терминаллар орқали ишлатилади. Бу тизимларда суръатга олиш, карта ва бошқа график маълумотлар йўқ. Ушбу тизимлар орқали авиа ва темирйўл чипталари сотилади. Чипталар сотиш жараёни график маълумотлар бўлишини талиб қилмайди. Бу тизимларга уланиш 1000-2500 АҚШ долларига тўғри келади. Ушбу тизимларни ишлатиш ҳар ойга 200 доллардан

800 долларгача ҳаражат талаб қилади³, бу албатта кичик фирмалар бюджетига тўғри келмайди. Шунинг учун бу каби тизимлар билан асосан йирик туроператорлар чипталар сотишда фойдаланишади. Кўпгина фирмалар CRS билан ишлашда махсус дастурлардан фойдаланган ҳолда интернет орқали ўз ишларини олиб бормоқдалар. Самарқанд шароитида ушбу тизимлардан фойдаланишни арзонлаштириш мақсадида ҳудудий бошқарув органлари томонидан маълумотлар банкини шакллантириш, уни бойитиб бориш ва маҳаллий туристик фирмаларни таъминлаш тизимини жорий этиши лозим.

Ҳозирги замонавий бронлаш-тириш тизими алоқа воситаси сифатида Интернетдан ва терминал сифатида эса оддий компютердан фойдаланмоқда. Бундай ишлаш ҳолати ҳаражатларни камайтириб, кичик корхона, фирмалар учун қулай бўлмоқда.

Электрон бронлаштириш афзалликларини намойиш қилиш мақсадида туристик бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўриб чиқамиз, бунда ҳамкор танлаш, туроператор – истеъмолчи муносабатлари катта аҳамиятга эга.

Истеъмолчиларни қидиришда туроператорлар кўп вақтларини хизмат сафарларида ўтказадилар, туристик кўргазма, ярмаркаларга боришади, бу, албатта, кўп ҳаражатлар қилишга олиб келади. Бу каби ишларни амалга ошириш ҳаражатлари турмаҳсулот таннархининг ошишига олиб келади, натижада бозорда рақобатбар-дошлик қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади. Бронлаштириш тизими орқали ишлаш жараёнида, туроператор маълумотлар тизими орқали жойлаштириш объектлари билан танишиш мумкин.

Бунда ҳудудий бошқарув тизимида қуйидаги масалалр хал этилиши мумкин:

³ Новиков В.С. Инновации в туризме. М.: "Академия". 2007. с. 208.

А) Туроператор-агент

Туроператор-истеъмолчини танлаш жараёнида агентлик учун ассортимент ва иш шароити муҳим аҳамиятга эга. Автоматлаштириш жараёни бўлмаган троператорлар яхши шароит таклиф қила олмайдилар, чунки оддий иш жараёнида таннарх юқори бўлиб, хужжатларнинг расмийлаштиришига кўп вақт талаб қилинади. Агент, туроператорларни қидириш учун, махсус адабиётлар сотиб олишига ва кўргазма, ярмаркаларга боршга тўғри келади, бу ўз навбатида даромаднинг пасайишига ва харажатларнинг кўпайишига сабаб бўлади, яъни хизматлар таннархини оширади. Бронлаштириш тизими бир неча туроператорлар маҳсулотини таклиф қилади, натижада агент миждозни эҳтиёжини қондирадиган маҳсулотни танлаб олиши мумин. Бронлаштириш тизими таклиф қиладиган маҳсулотни агент хоҳлаган пайтида, ўз оффисидан чиқмасдан танлаб олиши мумкин. Натижада ўз маблағини иқтисод қилишга эришади.

б) Турагент-миждоз (турист) муносабатлари

Миждоз(турист) турагентни танлашида унинг неча йил ишла-ганини, тажрибасини, туристик бозордаги мавқеини, оффиснинг жойлашган жойини, хизмат кўрсатишнинг сифатини, таклиф қилинадиган нархлар ва ассортиментларини ҳисобга олади. Бронлаштириш тизими орқали ишлаш жараёнида турагент миждоз-ларга хизмат қилиш даражасини кўтаради, ўз харажатларини кўпайтирмаган холда ўзининг мавқеини оширади.

Истеъмолчилар билан шартнома тузиш жараёнида туроператор ҳар доим ҳам яхши шароитга эга бўлмайди, чунки туристик маҳсулотни сотиш имконияти чегараланган бўлади. Кейинги пайтларда ушбу муаммони тушунган холда айрим туроператорлар ўзаро бирлаша бошладилар. Бронлаштириш тизими орқали ишлаш жараёнида туроператор кўп сонли истеъмол-чилар билан ишлаш имкониятига эга бўлади.

Бронлаштириш тизими орқали ишлаш жараёнида, турагент бронлаштириш тизими вакили билан битта шартнома тузиши етарли бўлади. Бир неча туроператорлар маҳсулоти билан ишлаш технологияси ихчамлашади ва қулай бўлади.

В) Маҳсулот ҳақида маълумотни тақдим этиши

Туроператорлар маҳсулоти ҳақидаги маълумотни тақдим этиш учун буклетлар нашр қилиш, кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиш ва реклама беришга мажбурдир. Бунда туроператорлар реклама турларини ва каталогларни нашр қилиш учун ўз маблағларини сарф қилади. Бронлаштириш тизими уларни туроператорнинг ўзи ҳақидаги маълумот тизимига киритишга имкон беради. Туроператор билан ишлаш жараёнида турагент ундан маҳсулот тавсифи ҳақидаги прайс ва каталог олади. Туроператорлар каталогларни тайёрлашда ўз маблағларини иқтисод қилишга ҳаракат қилади, шу туфайли каталогда чегараланган миқдорда маълумот ва суръатлар киритилади. Бронлаштириш тизими орқали ишлаш жараёнида биз ягона маълумотлар тизимига эга бўласиз, бу ўз навбатида ишингизни енгиллаштиради. Замонавий бронлаштириш тизимлари катта миқдордаги фотосуратлар ва батафсил рўйхатлар маълумотнома тизимига эга.

Хулоса қилиб айтиш жоизки туристик ҳудудий бошқарув тизимида ахборот алмашиш тизимини мавжуд тизимларга мослаштириш мумкин. Шу билан биргаликда Самарқанд шаҳрида ҳудудий локал ахборот тармоғини шакллантириш мақсадга мувофиқ дир.

3.3. Туризм соҳасида ҳудудий бошқарув функцияларини такомиллаштириш

Маълумки ҳудудий бошқарув давлат бошқаруви ва корхона бошқаруви тизимлари ўртасидаги бўғин бўлиб ҳисобланади. Бизнинг таклифларимизнинг негизида туристик соҳада Самарқанд шаҳридаги ҳудудий бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг органлари олдидаги вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш чоралари ётади.

Бунинг натижасида ҳудудий бошқарувнинг бир қанча хусусиятлари вужудга келади, яъни:

- ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш мақсадларининг устуворлиги.
- Туристлик маҳсулотларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини ошириш;
- Ҳудуддаги тауристлик ташкилотларнинг сонини ва таркибини кенгайтириш;
- Туристлик соҳада янги иш жойларнинг яратилишини таъминлаш;
- Туристлик ресурсларини ривожлантириш ва ҳудуднинг туристик жозибадорлиги ошириш;
- Ҳудуднинг туристик брендини танитиш ва хоказолар.

Шу муносабат билан туристик соҳада ҳудудий бошқарувнинг функциялари мазмунини ва шаклларини ривожлантириш бўйича бир қанча таклифларни ишлаб чиқдик, яъни:

1. Режалаштириш функциясини такомиллаштириш бўйича ҳудудий ривожланиш комплекс дастурлари асосида бошқарувнинг йиллик ва истиқболли кўрсаткичларни белгилаш бўйича яхлит тизим фаолият кўрсатиши лозим.

2. Ташкиллаштириш функцияси бўйича манфаатли ташкилотларнинг вазифаларини аниқ белгилаш ва албатта жавобгарлик даражасини аниқлаштириш лозим. Масалан 2008 йилда “Ўзбектуризм” МК томонидан келажакда туристлар оқимини прогнози ишлаб чиқилган эди. (-жадвал).

Бундай прогнозлар нафақат туристлар сони бўйича балки барча кўраткичлар бўйича бажарилиши лозим

9-жадвал

2025 йилгача бўлган даврда Самарқанд вилоятига келадиган хорижий туристлар ҳақидаги башорат

№	Кўрсаткичлар	2020	2025
1.	Жами туристлар оқими (минг киши)	686,7	832,7
2.	Хорижий туристлар (минг киши)	455,8	532,5
3.	% да (Хорижий туристлар/жами туристлар)	66,3	63,9

Худудий бошқарувнинг режалаштириш функциясига туризм инфраструктурасини ривожлантириш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан транспорт масаласаси ҳозирги шароитда энг долзарб маслага айланмоқда. Шаҳарни томоша қилиша келаётган хорижий туристларни саёҳат қилдириш учун Самарқанд шаҳар автопарки автобуслари етарли эмас, ҳозирда шаҳар бўйлаб энгил автомобиллар қатнови йўлга қўйилган. Аммо бу маршрут бўйича хорижий саёҳларни бемалол саёҳат қилишга кафолат бера олмайди. Шу боис келажакда хорижий ва маҳаллий сайёҳларга энгил машиналарда, велосипед ва замонавий ёки тарихи кўринишда безатилган от, отараваларда саёҳат қилиш учун ижара пунктлари очиш режаси 2025 йилгача бўлган башорат дастурига киритилган. Бундай транспорт турлар ҳар томонлама қулай, экологик тоза, зарарсиз ҳисобланади. Шаҳар туризмни ривожланишида автомобил йўлларининг ҳам аҳамияти катта. Шунини айтиш жоизки ҳозирда фақат Самарқанд шаҳридаги йўлларгина талаб даражасида. Лекин шунга қарамай шаҳарда ҳам йўловчилар учун йўлларни кенгайтириш от ёки велосипедда саёҳатни амалга оширувчилар учун алоҳида йўлаклар бунёд этиш зарур. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб дастурда:

-юқори даражадаги қопламали йўллар қуриш;

-йўллар, трассалар, тротуарлар, турли белгилар, ошхоналар, хожатхоналар, алоқа воситалари дастури ва режалари ишлаб чиқилган.

Самарқанд шаҳрининг 2025 йилгача бўлган бош планини ишлаб чиқишда, ушбу қадимий «Афросиёб» шаҳрининг атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш кўзда тутилади. «Шоҳи Зинда» атрофидаги ҳудудларда автобуслар учун бекат, буклетлар учун киоскалар ва совғалар учун пештахталар ва бошқалар қуриш назарда тутилади.

Худудий бошқарувда ташкил этиш функциясининг асосий субъекти бўлиб маҳаллий бошқарув органларига юклатиллиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3. Мотивлаштириш функцияси бўйича. Самарқанд шаҳрида туризмни бошқаришда хўжалик субъектларини мотивлаштириш катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан туристик инфратузилмаси объектларига худудий бошқарув томонидан мотивлаштириш механизмлари мавжуд бўлиши керак. Агар худудий бошқарувнинг рағбатлантириш имкони бўлмаса унда бошқарув самарадорлиги ҳам кескин пасаяди. Шу сабабли “Ўзбектуризм, МК Самарқанд бўлимида, Самарқанд шаҳар хокимлигида, Уюшма ва ассоциацияларда ўзига хос ваколатлар тақсимланиши лозим. Бунга жазо чоралари ҳам, Ёрдам кўрсатиш чоралари ҳам киритилиши лозим.

4. Назорат функцияси бўйича. Менежментда назорат ва ҳисобот энг муҳим функциялардани бири ҳисобланади. Шу сабабли, туристик соҳанининг худудий бошқарувида ахборотларни тўплаш усулбияти шаклланиши лозим, яъни индикаторлар тизими. Ушбу ахборотлар Самарқанд шаҳрида туризм ҳолатини яққол кўрсатиши ва келажакда уларни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга имкон бериши лозим. Бундан ташқари ўзаро келишилган ҳолда ахборотларни тўплаш ва тваҳлил қилиш бўйича масъул орган белгиланиши лозим . Базнинг ифримизча бундай орган

вазифасини Ўзбектуризм, МК Самарқанд бўлими бажариши мумкин, чунки бу ташкилот туризмага ихтисослашган бўлиб , унда тахлилий механизм мавжуд.

Мазкур таклифларнинг жорий этилиши туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд шаҳрида ҳудудий бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

IV – БОБ. ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРДА ХАЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ.

4.1. «Согда тур» МЧЖсида меҳнат хавфсизлик тадбирларини яратиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги.

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутаяди.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хасталиклар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнат муҳофазаси, қонунда кўрсатилганидек:

- меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг методологик асосининг яна бир томони, бу меҳнат шароитини, технологик жараённи, ажралиб чиқадиган захарли моддаларни ва фойдаланиш вақтида пайдо бўладиган хавфли

вазиятларни мунтазам равишда илмий таҳлил қилиб боришдир. Чунки, фақат таҳлил асосида ишлаб чиқаришдаги хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар аниқланади, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилади. Бу масалаларнинг барчаси ўзаро боғланган, келажак режаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилиб борилиши лозим.

Ишлаб чиқаришда, ташкилотларда ҳар бир раҳбар ва муҳандиснинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария – гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора – тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Касбий зарарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар учун қисқартилган иш куни, қўшимча дам олиш кунлари жорий этилиши, зарарли иш жойларида ишлаганларга, яъни жуда иссиқ ҳароратли, совуқ, зах ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнат қиляётганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя кийимлари берилиши кўзда тутилади.

Бу борада «Ўзбектуризм» МКда барча чора-тадбирлар яхши йўлга қўйилган бўлиб, касбий касалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ўрнатилган тартиби жорий этилган.

«Согда тур» МЧЖда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника

хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилади. Йўриқлантирув икки: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йўриқлантируви техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини «Согда тур» МЧЖ нинг ички тартиб-қоидалари, шу жараёнинг ўзига хос зарарли хусусиятлари, техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва бахтсиз ҳодиса рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади.

«Согда тур» МЧЖ даги барча ишчилар учун олти ойда бир маротаба иш жойидаги йўриқлантирув қайтариб турилади..

«Согда тур» МЧЖ да ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратишда, меҳнат қонуни, кодекси, Низомидан бошқа Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизимлари катта рол ўйнайди ва уларга риоя қилиш назорати яхши йўлга қўйилган бўлиб, улардаги қўйилган вазифани бажаришда ва нормадаги шароитни таъминлашда меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими – системаси (ММБТ) инобатга олинади. ММБТ фаолиятига меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, ишларни барқарорлаштириши киради. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ташвиқот олиб бориш, хавфсизлик талабига биноан ўқитиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ускуналар, жараёнлар, бино ва қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш, санитария-гигиеник меҳнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва меҳнатни нормадаги режими, дам олиш билан таъминлаш, санитария-маиший хизмат, мутахассисларни касби бўйича танлаш каби вазифалар тизимнинг таркиби ҳисобланади.

Меҳнат хавфсизлиги тадбирларини яратиш ва уларнинг ижтимоий иқтисодий самарадорлиги муҳим ҳисобланади.

4.2. «Согда тур» МЧЖ да ёнғин хавфсизлиги ва уни бартараф қилиш чора-тадбирларининг тахлили.

Ҳаммамизга маълумки, ёнғиннинг олдини олиш, унга қарши курашиш, ёнғиннинг вужудга келмаслигини назорат қилиш бизнинг бурчимиздир.

Албатта меҳмонлар ва меҳмонхона ходимлари ҳаёти, уларнинг саломатлигига, меҳмонхона бинолари ва мол – мулкига ёнғин жиддий хавф солади. Шу сабабли меҳмонхона хўжалигида биноларни, одамларни ёнғиндан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташкилотнинг ёнғин хавфини лойихалаш, реконструкция ва эксплуатация қилиш жараёнларида бўйича таснифланишига катта аҳамият берилади. Бунда ўта чидамлилик даражаси, қаватлар сони, бинолар орасидаги масофаларни тўғри танлаш муҳим рол ўйнайди. Корхонанинг ёнғин хавфи бўйича тоифаси, биносининг ўта чидамлилик даражаси ва ҳажмига қараб ички ҳамда ташқи ўт ўчириши водопровод тизимига керакли сувнинг сарфини, иситиш тизими, вентиляция ва ҳавони мўътадиллаш, сув таъминоти, ёритиш, электр ускуналари ва ўт ўчириши воситалари турларидан тўлиқ фойдаланиш йўлга қўйилган.

Такшилотда ёнғин хавфсизлигига катта эътибор берилади. Корхона худудидаги барча бино ва иншоотларида ўт ўчириш мосламалари ўрнатилган бўлиб, жамиятнинг бутун худуди бўйича 36 та ўт ўчириш мосламалари ёнғин чиқганда зудлик билан хавфни бартараф қилишга тайёр ҳолатда турибди. Бу мосламалардан 12 тасида корхона худудида содир бўладиган ёнғинни бартараф қилиш учун кум, махсус ўт ўчириш челақлари, ўт ўчириш мосламалари (огнетушитель), қўлқоплар ва махсус асбоблар билан жихозланган. Қолган 24 та ўт ўчириш мосламалари бино ва иншоотларнинг ичида жойлашган бўлиб улар юқори босимли сув қувурига уланган ёнғин шланглари, ўт ўчириш мосламалари (огнетушитель), қўлқоплар ва махсус асбоблар билан жихозланган.

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга *ёниш* дейилади. Кўп ҳолларда ёниш ёнувчи модда заррачаларининг нурланиши билан бирга кечади. Ёнғин ҳосил бўлиши ва давом этиши учун ёнувчи модда (қаттиқ, суюқ ёки газсимон), оксидловчи модда (оддий шароитда оксидловчи модда вазифасини ҳаводаги кислород ўташи мумкин) ва ёндирувчи манба (учқун, очиқ аланга ва чўғланган нарса) мавжуд бўлиши керак. Шунини айтиш керакки, ҳаводаги кислород миқдори 15%дан юқори бўлгандагина оксидловчи вазифасини бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш содир бўлмайди. Бундан ташқари, оксидловчи модда вазифасини тегишли шароитларда хлор, бром, калий ва бошқа моддалар ҳам ўташи мумкин.

Хавфлилиги бўйича барча модда ва ашёларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ёнмайдиган, ёниш ёки ёниш ва портлаш хавфи мавжуд ҳамда портлаш хавфи мавжуд моддалар.

Ёниш фақат маълум ҳарорат шароитидагина мавжуд бўлиши мумкин. Барча ёнувчи моддаларнинг таркибида углерод ва водород мавжуд. Иссиқлик таъсири остида ёнувчи моддалар парчаланиб юқоридаги газлар ажралиб чиққач, ҳаводаги кислород билан бирикиб аланга ҳосил қилади. Ёниш фазаларининг қуйидаги хиллари аниқланган.

1. Чақнаш. Агар аста-секин қиздирилаётган ёнувчи суюқликка вақти-вақти билан ташқаридан аланга таъсир қилдирсак, маълум бир ҳароратга етганда, ундан ажралиб чиқаётган газсимон маҳсулот чақнайди ва шу заҳотиёқ ўчиб қолади. Суюқликнинг ана шу пайтдаги ҳарорати чақнаш ҳарорати дейилади. Чақнаган газларнинг тез ўчиб қолишининг сабаби, бу ҳароратда суюқликдан ажралиб чиқаётган газлар алангани давом эттириш учун етарли эмаслигидир.

Чакнаш ҳарорати моддаларнинг ёнғин жиҳатидан хавфлилигини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Айрим моддалардан ажралиб чиқувчи буғ ва газлар кўп миқдорда йиғилиши натижасида очиқ аланга билан бирикиб кучли портлаш пайдо қилиши мумкин.

2. Алангаланиш. Суюқ ёнувчи моддаларни қиздириш чакнаш ҳароратидан юқорида ҳам давом эттирилса, унинг буғланиши жадаллашади ва шундай бир вақт келадикки, унга аланга яқинлаштирилса чакнаётган буғлар чакнайди ва ёнишда давом этади. Суюқликнинг шу ҳолатидаги ҳарорати алангаланиш ҳарорати деб аталади.

3. Ўз-ўзидан алангаланиш. Агар ёнувчи суюқликни алангаланиш ҳароратидан юқори бўлган ҳолатда ҳам қиздирилиш давом этирилса-ю, лекин очиқ аланга яқинлаштирилмаса, маълум бир вақтда ажралиб чиқаётган буғлар ўз-ўзидан алангаланиб кетади. Ёнувчи суюқликнинг ана шу ҳолатидаги ҳарорати ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати дейилади.

4. Ўз-ўзидан ёниб кетиш. Айрим ёнувчи қаттиқ моддалар нотўғри сақланса ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин. Масалан, нам ҳолда ғарамланган похол, пахта, тошкўмир, мой артилган латта ва бошқалар. Ўз-ўзидан ёниш жараёни маълум ҳароратдагина рўй бериши мумкин.

Қаттиқ моддалар ёнаётганда ёнаётган қисмларига ёндош қисмларнинг қизиши ва ўз навбатида улардан ёнувчи газлар ажралиб чиқиши ҳамда уларнинг ҳам ёна бошлаши натижасида узлуксиз занжир реакцияси кечади. Бу жараён бирон-бир тўсувчи омилга учрамаса ёнувчи модда ёниб тамом бўлгунча давом этади.

Ёнувчи суюқ моддаларнинг чакнаш ҳарорати 45°C га тенг ёки ундан кичик бўлса, углерод сулфид, спиртлар ва бошқалар мисол бўла олади. Чакнаш ҳарорати 45°C дан юқори бўлганлари эса *ёнувчи суюқликлар* дейилади. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари 11.3-70 да келтирилиши бўйича ёнғиндан муҳофаза қилиш илмий текшириш институтининг тавсиясига

биноан енгил ёнувчи суюқликларга чакнаш ҳарорати 61°C га тенг ва ундан паст бўлганларни, ёнувчи суюқликларга эса 61°C дан юқориларини киритиш белгиланган.

Газларда эса, газнинг ҳар бир молекуласи кислороднинг молекулалари билан бевосита контактда бўлиши мумкинлиги ва улар вақтнинг ўзида оксидланиш жараёнига тайёр бўлганлиги учун, ёниш жараёни катта тезликда кечади. Ёнувчи модда бўйлаб аланганинг тарқалиш тезлиги секундига бир неча метрни ташкил этса – *портлаш*, бир неча километрни ташкил этса – *детонация* деб аталади.

Газ ва буғларнинг ҳаво билан аралашмасининг ёниш ва портлаш хавфи, аланганинг тарқалиш ҳароратидан ташқари уларнинг ҳаводаги концентрацияси чегараси (буғлар учун) билан характерланади.

Портлашнинг концентрация чегараси деб, ёпиқ тигел чишида ёнувчи газ ва буғларнинг ҳаводаги миқдори ташқи аланга таъсири остида алангаланиб кета оладиган миқдорга айтилади.

Ҳаво билан тўлдирилган берк идиш олиб, унга маълум миқдорда ёнувчи газ ёки буғ қўшиб борамиз ва ҳар гал уни ёқиб кўрамиз. Газнинг миқдори (фоизларда ёки оғирлик концентрациясида) кам бўлганда алангаланмайди, яъни идиш ичидаги босим атмосфера босимига тенглигича қолаверади.

Ҳар бир ёнувчи модданинг буғлари, газлари ҳамда чанглари ўзининг пастки ҳамда юқориги портлаш чегаралари қийматларига эга. Ёнувчи чанглар ва толаларнинг пастки портлаш чегараси 65 г/м^3 дан паст бўлса, портлаш хавфи мавжуд ҳисобланади. Агар уларнинг пастки портлаш чегараси 65 г/м^3 дан юқори бўлса, улар юқори хавфли бўлган чанглар ҳисобланади. Суюқликлар буғлари учун ҳам портлашнинг ҳарорат чегаралари пастки ва юқориги қийматларга эга. Ёнувчи суюқликларнинг газ ва буғларнинг ҳаво билан аралашмасини юқорида кўрсатилган чегараларидан

ташқари қийматларида ҳеч қандай манба билан алангалатиб бўлмайди. Масалан, ацетон тўйинган буғлари учун портлашнинг пастки ҳарорат чегараси – 20°C , юқоригиси 7°C , углерод сульфид учун тегишлича - 14°C ва - 7°C .

5. Газлар ва чангнинг ёниши. Ёнувчи газлар ҳаво билан бирикиб портлаш жиҳатидан хавфли аралашмани ҳосил қилиши мумкин, шу сабабли улар портлаш жиҳатидан хавфли моддалар тоифасига киради. Газ – ҳаво аралашмасининг хавфлилик даражаси уларнинг аланга олиш ҳарорати ва портлашнинг миқдорий чегараларига қараб баҳоланади. Газлар барқарор ёнаётганда ҳарорати 1400°C гача, портлашда эса 2000°C гача кўтарилиши, босими 10^5 Па га етиши мумкин.

Ёнувчи газларнинг, шунингдек, суюқлик буғларининг портлашига қарши кураш тадбирларини тўғри ташкил қилиш учун уларнинг ҳаво бўйича зичлигини билиш зарур, чунки ҳаво бўйича зичлиги бирдан кичик бўлган газлар хонанинг юқори қисмида, зичлиги бирдан катта бўлгани эса хонанинг пастки қисмида, курук, ўра, хандакларда тўпланади.

6. Ишлаб чиқаришдаги аланга олиш манбалари. Ёнувчи ашёларнинг аланга олишига ва ёнувчи аралашмаларнинг портлашига сабаб бўлуви иссиқлик манбалари ўзининг иссиқлик жамғармалари ва уларнинг юзага келиш сабабларига кўра турли-туман бўлса-да, аммо уларнинг барчаси қандайдир энрегия ёки кимёвий реакцияларда иссиқлик чиқиши ёки ютилишининг натижасидир. Очиқ аланга, чўғланган ёниш маҳсуллари, учқунлар, иссиқлик чиқарадиган кимёвий реакциялар, аланга олиш манбаи турли хил горелкалар, кавшарлаш лампалари, электр ёйлари, иситиш печлари, электр токида ва газ алангасида пайвандлаш жараёнлари, чекиш учун ёқилган гугурт очиқ аланга олиш манбаи бўлиши мумкин. Очиқ аланга манбаининг ва иссиқлик энергияси жамғармасининг ҳарорати деярли ҳамма ёнувчи моддалар ва ҳар қандай газ-ҳаво ҳамда буғ-ҳаво аралашмаларининг аланга олиши учун етарлидир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мамлакатимизда устувор йўналишларидан биридир. Республикамизда 2012 йилда бу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 54 фоизга етказишдек улкан вазифа қўйилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасида туризм ва меҳмонхона бизнеси ўзига хос ўринга эга. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бу соҳа тараққиёти мамлакатимизга хорижий туристларни кўплаб жалб этиш билан бирга, энг муҳими, катта валюта тушумларини таъминлаши билан юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига улкан хисса қўшиши муқаррар”.

Шу боисдан ҳам республикамизда туристик-меҳмонхона мажмуаларини кўпайтиришга, улар моддий техника базасини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Республикамиз Президентининг 2006 йил 17 апрелидаги “Ўзбекистон Республикасидаги 2006-2010 йилларда йизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-325-сонли қарорида янги замонавий туристик-меҳмонхона мажмуаларини қуриш, мавжуд меҳмонхоналар моддий техник базасини янгилаш ва реконструкция қилиш, уларни замонавий автобуслар билан таъминлаш ва шу каби бошқа аниқ дастурлар белгиланган.

Туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ушбу соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда жойларда бошқарув самарадорлиги замонавий талабга жавоб бермайди. Самарқанд шаҳрида туризм соҳасида ҳудудий бошқарув масалаларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги кунда жами 800га яқин туристик

бизнес субъектлари йилига 1 миллиондан ортиқ хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда. 2001 йилда хизматла хажмининг ўсиши 127 %ни ташкил қилган. Туризм соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётида тобора муҳим ўринни эгалламоқда.

2. Туризм соҳаси менежменти ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани сабабли унинг бошқарув тузилмасида ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Республика даражасида туризм соҳаси “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан бошқарилади. Ҳар бир вилоятда ушбу компаниянинг минтақавий бўлими ёки саёхат-экскурсия бюроси ташкил этилган. Шу билан биргаликда компания томонидан ҳар бир алоҳида фирманинг фаолиятини бошқариш қийин бўлмоқда. Бунга мисол Самарқанд бўлимининг вақтинча фаолият кўрсатмаганлиги бўлиши мумкин. Республикада туризмни бошқаришда хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси ҳам иштирок этади. Бу нотижорат ташкилот туристик фирмаларнинг бошқарув сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади.

3. Худудий менежментнинг ўзига хос жиҳатлари худудий ривожланиш ва туристик бизнес мақсадларининг уйғунлашувидан иборат. Бунда маҳаллий бошқарув органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг роли жуда каттадир. Жамоатчилик ва маҳаллий бошқарувнинг иштироки худудий менежментнинг самарасини белгилайди.

4. Самарқанд шаҳрида туризмни бошқариш тузилмасига қуйидаги ташкилотлар киради: “Ўзбектуризм” МК самарқанд бўлими, “Самарқанд туристик макони” давлат унитар ташкилоти, Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги. Ушбу ташкилотлар ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Самарқанд шаҳрида туристик бизнес самаравдорлиги оширишга ҳаракат қиладилар. Шун билан биргаликда уларнинг фаолиятида бир қанча муаммолар мавжуд.

5. Самарқанд шаҳридаги энг нуфузли туристик компаниялардан бири – бу “СОГДА-ТУР” туристик компаниясидир. У кўп тармоқли фирма бўлиб таркибида туристик фирма, транспорт фирмаси, мехмонхона қа бошқалар мавжуд. 2011 йилда компания 2341 кишини қабул қилган ва 132,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатган.

6. Самарқанд шаҳрида ҳудудий туризм самарадорлигини таҳлил қилиш учун бизлар ушбу ҳудудий бозорда фаолият кўрсатувчи компаниялар ҳолатини таҳлил қилдик. 24та кўрилган фирмалардан 25%ни - “юлдузлар”, 25 % ни “соғин сигирлар”, 35 %ни – “Сўроқ белгилари” ва 15 %ни “итлар” ташкил қилан экан. Шунга асосан ҳулоса қилиш мумкинки, бозордаги ҳолатни яхшилаш учун, ҳудудий бошқарув тамойилларини ривожлантириш лозим.

Самарқанд шаҳри туристик соҳасида бошқарувни такомиллаштириш учун бизлар бир қанча таклифларни ишлаб чиқдик ва уларнинг асосий мазмуни куйидагича:

А) “Ўзбектуризм” МК Самарқанд бўлимининг фаолиятини жонлантириш лозим.

Б) Самарқанд шаҳар ҳокимлаги қошидаги “Самарқанд туристик макони” Давлат унитар корхонасининг мақомини аниқлаштириш лозим.

В) Нодавлат нотижорат ташкилотларининг туристик бизнесни бошқариш тизимидаги ўрнини ошириш лозим.

Г) Вилоятдаги бошқарув органларининг туризм ривожлантириши билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи доимий орган тузилиши мақсадга мувофиқ.

Д) Туристик фаолиятни бошқаришда ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш, Самарқанд ҳудудий тармоғини яратиш лозим.

Е) Туризмни бошқариш функцияларини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.– Т.:Ўзбекистон, 2009- 40б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 7-9 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва асарлари

3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.
6. Каримов И.А.Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.
7. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда деморатик ислохотларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

9. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

10. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

12. Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2001.

13. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.

14. Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2005.-447б.

15. Уткин Э. А. Курс менеджмента. Учебник. М.: Зерцало, 2000 2 изд.

16. Менеджмент (современный Российский менеджмент). Под. ред. Ф. М. Русинова и М. Л. Разу. Учебник. М.: ФБК – Пресс, 2000.

17. Мухин В. И. Основы теории управления. Учебник. М.: Экзамен, 2002.

18. Виханский О. С., Наумов А. И. Менеджмент. Учебник. М.: Гардарики, 2003.

19. Михалева Е. П. Менеджмент. Учеб. пособ. М.: Юрайт, 2003.

20. Волгин В.В. Автосервис. Производство и менеджмент: Учеб. пособ. М.: Дашков и К, 2004. - 440 с.

21. Гавриленко В.М., Водопьянов В.П. Менеджмент: Учеб. пособ. - М.: Книга-сервис, 2003. – 192 с.
22. Геросименко В.В. Основы менеджмента. - М: ТЕИС, 2000. -144 с.
23. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. 4-е изд., перераб. и доп. - М: Юнити-Даня, 2004. – 511 с.
24. Гительман Л.Д., Исаев А.П. Амбициозные менеджеры: Дерзость и интеллект. - М.: Дело, 2004. - 360 с.

Интернет сайтлари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати расмий веб сайти www.gov.uz

Ўзбекистон Ахборат Агентлиги веб сайти, www.uza.uz

<http://www.unece.org/sme/cjnfrm01.htm>.

www.4p.com.ua/books/4.html

www.bizbook.ru/detail.htmlbook_id

www.bookhouse.com.ua/_data/p_9/9442.phtml

www.classis.ru/pages/classis/6/48/

www.finansy.ru/publ/mark/